СУЛТОНБЕК НОРМАМАТОВ

# ЖАДИД АДИБЛАРИНИНГ ЛУҒАТШУНОСЛИК ФАОЛИЯТИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

СУЛТОНБЕК НОРМАМАТОВ

# ЖАДИД АДИБЛАРИНИНГ ЛУҒАТШУНОСЛИК ФАОЛИЯТИ

*Монография*

*«Адабиёт учқунлари» нашриёти*
*Тошкент – 2018*

УДК 821.513.144-1
КБК 84(Ё)5
И 76

*Монография Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети Кенгашининг 27.09.2018 йилдаги 2-сонли мажлиси қарорига мувофиқ нашрга тавсия этилган.*

**Масъул муҳаррир:**

***Ёрмат Тожиев*** *— филология фанлари доктори, профессор*

**Тақризчилар:**

***Абдулҳай Собиров*** *— филология фанлари доктори, профессор;*
***Бахтиёр Менглиев*** *— филология фанлари доктори, профессор*

**Нормаматов, Султонбек**

И 76 Жадид адибларининг луғатшунослик фаолияти. Монография. С. Нормаматов. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги. – Т.: 2018. 190 б.
ISBN 978-9985-5237-5-9

Монографияда жадид маърифатпарварларининг тилшуносликка оид қарашлари илмий умумлаштирилган ҳолда уларнинг ўзбек илмий-миллий тилшунослигининг тараққиётидаги фаолияти кенг ёритилди. Шунингдек, Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат, Элбек, Исҳоқхон Ибрат, Ашурали Зоҳирий каби жадид адиблари яратган филологик луғатларнинг лингвистик тадқиқи асосида уларнинг ўзбек луғатчилигининг шаклланиши ва ривожланишидаги хизматларига илмий баҳо берилди.

Монография тилшунос олимлар, тилшунослик илми билан шуғулланувчи тадқиқотчилар, магистрантлар ва талабалар учун мўлжалланган.

**УДК 821.513.144-1**
**КБК 84.(7Ё)5**

ISBN 978-9985-5237-5-9

**© С. Нормаматов, 2018**
**© «Адабиёт учқунлари» нашриёти, 2018**

## СЎЗ БОШИ

Жадид маърифатпарварларининг ўз даври ижтимоий-сиёсий, маданий муҳитига кўрсатган таъсирини турли соҳаларда кузатиш мумкин. Уларнинг мактаб ва маориф масалалари, бадиий ижоднинг назм ва наср, драматургия ва публицистика йўналишлари, санъатшунослик ва тарих, тилшунослик ва адабиётшунослик каби соҳалардаги фаолияти фикримизнинг далилидир.

Шубҳасиз, XX асрнинг 20–30-йиллардаги ижтимоий-маънавий муҳит, хусусан, ўзбек адабиёти, ўзбек тилшунослиги ҳақида тўла тасаввур ҳосил қилиш учун маърифатпарвар жадид адибларининг серқирра ижодига атрофлича тўхталиш лозим бўлади. Ўзларининг кўп турли ва турфа жанрларга бой асарлари билан ўзбек маданияти, маънавияти тарихида алоҳида ўринни ишғол этувчи жадид маърифатпарварлари тилшуносликнинг луғатчилик соҳасида ҳам салмоқли ижод қилганликлари, бунинг баробарида ўзбек луғатчилигининг шаклланиши ва ривожланишига ҳам муносиб ҳисса қўшганликлари диққатга сазовордир.

Бу ўринда луғатшунос жадид адиблари қаторида Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат, Ашурали Зоҳирий, Ғози Юнус, Элбек, Миён Бузрук, Исҳоқхон Ибрат, Вадуд Маҳмуд, Иброҳим Даврон каби адибларнинг луғатчилик фаолиятлари алоҳида аҳамият касб этади.

Фикр юритилаётган даврда ижод қилган адибларнинг кўплари асл зиёли, педагог, адабиётшунос, жамиятшунос, ватанпарвар, ҳам ёзувчи, ҳам шоир, ҳам зукко тилшунос бўлишган. Жумладан, ўзбек замонавий насрининг дарғаси, ўзбек романчилигининг асосчиси Абдулла Қодирий ўзининг турфа жанрларга бой асарлари билан ўзбек адабиёти хази-